

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ДЕМОГРАФИК ВАЗИЯТНИНГ ШАКЛЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

СамДУ тадқиқотчи Мансурова Наргиза Шамсидиновна

СамДУ тадқиқотчи Ражабов Анвар Голиб ўғли

СамДУ талаба Худайкулов Анвар Эшанкулович

Мазкур мақолада аҳоли такрор барпо бўлишининг ижтимоий-демографик моҳияти ёритиб берилиб, бугунги кунда Самарқанд вилоятида демографик ҳолатни тавсифловчи кўрсаткичлар тизимлаштирилган ҳамда демографик сиёсатнинг асосий йўналишлари ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: аҳоли таркиби, демографик тўлқин, демографик вазият, демографик коэффициентлар, демографик сиёсат.

Особенности формирования демографической ситуации в Самаркандской области

В данной статье раскрыта социально-демографическая сущность воспроизводства населения, систематизированы показатели характеризующие его, оценена сегодняшняя демографическая ситуация в Самаркандской области, а также разработаны основные направления демографической политики.

Ключевые слова: структура населения, демографическая волна, демографическая обстановка, демографические коэффициенты, демографическая политика.

Specifics of formation of demographic situation in Samarkand region.

This article reveals the socio-demographic nature of the population replacement systematically characterize its performance, assess' the current demographic situation in the region of Samarkand as well as developed the basic directions of population policies.

Keywords: structure of population, demographic wave, demographic situation, demographic factor, demographic policy.

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ҳозирги босқичида барқарор ва жадал суръатлар билан иқтисодий ўсишни таъминлаш миллий ривожланиш стратегиясининг бош масаласи бўлиб ҳисобланади.

Бугунги кунда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг жорий ва истикболдаги чора-тадбирларини белгилашда демографик жараёнларнинг таъсирини ҳар томонлама ҳисобга олиш, иқтисодий ривожланиш дастурларини ушбу жараёнлар таъсири нуктаи-назаридан шакллантириш ва уларни изчил амалга оширишни тақозо этмоқда.

Албатта, бунда мамлакат демографик ривожланишининг ўрни катта бўлиб, ижтимоий манфаатларга йўналтирилган иқтисодий мақсадларни амалга оширишда аҳоли, унинг ўсиши, жойлашиши, демографик таркиби каби жиҳатларини бозор муносабатлари ривожланиши нуқтаи назаридан ўрганиш катта аҳамиятга эга. Чунки, аҳоли ҳам асосий ишлаб чиқарувчи куч, ҳам истеъмолчи сифатида жамият тараққиётида ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Республикадаги барқарор ва самарали иқтисодиётни шакллантиришга қаратилган иқтисодий ислохотлар марказида демографик вазият туради. Чунки, Ўзбекистонда аҳолининг ўсиш суръатлари юқори ҳисобланади. Сўнгги йилларда аҳолининг табиий ўсиши бирмунча камайган бўлишига қарамай, у ҳали ҳам айрим мамлакатлар орасида энг юқори даражададир.

Ҳар қандай сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жараёнлар демографик хусусиятлар билан боғлиқ бўлиб, барча давлатлардаги жамият ҳаётига ўз таъсирини кўрсатади. Туғилиш даражасининг тебраниши муайян вақтдан кейин таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини шакллантиришда, меҳнат бозорида иш билан бандликда, давлатнинг ижтимоий соҳага харажатларида бевосита ўз аксини топади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таъкидлаганларидек: "... аҳолининг ижтимоий фаровонлигини таъминлаш ва социал соҳани ривожлантириш масалалари фаолиятимизда ҳал қилувчи ўрин эгаллади.

Янги иш ўринлари ташкил этиш, бандликни таъминлаш ва аҳоли даромадларини ошириш масалалари доимо эътиборимиз марказида бўлиб қолмоқда".

Географик жиҳатдан Самарқанд вилояти республикаимиз марказида жойлашган бўлиб, умумий майдони 16800 кв.км ни ташкил этади. Бугунги кунда унинг аҳолиси 3444,8 кишидан ортиқни ташкил этмоқда ҳамда маъмурий жиҳатдан иккита шаҳар ва 14 та туманга бўлинган.

Ҳозирги вақтда республикаимизда, хусусан, Самарқанд вилоятида ўзига хос демографик вазият вужудга келган ва у аҳоли сони ўсиш суръатининг пасайиши, туғилишнинг камайиши, аҳолининг ёш таркибида кекса ёшдагилар улушининг ортиши, меҳнатга лаёқатли ёшгача бўлган аҳоли сонининг камайиши, шу билан бир вақтда ўрта ёшдаги аҳоли сонининг кўпайиши, урбанизация жараёни ортаётганида намоён бўлмоқда.

1-жадвалдан кўриниб турибдики, 2005-2013 йиллар давомида Самарқанд вилоятида жами аҳоли сони 538,1 минг кишига ёки 18,5 фоизга кўпайган ва 2013 йилга келиб 3445,6 минг кишига тенг бўлган.

Таҳлилларни шаҳар ва қишлоқ аҳолиси кесимида амалга ошириш унинг бир меъёрга кечмаганлигини кўрсатади. Жумладан, 2013 йилда шаҳар аҳолиси сони 2005 йилга нисбатан 70,5 фоизга, қишлоқ аҳолиси сони 0,7 фоизга ошганини кўришимиз мумкин. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, вилоятда қишлоқ аҳолиси сони жами аҳоли сонига нисбатан йиллар мобайнида улушининг мунтазам камайиши кузатилганлигини кўрсатади. Бугунги кунда Самарқанд вилоятида аҳолининг урбанизация даражаси доимий равишда ўсиб бормоқда.

1-жадвал

Самарқанд вилоятида аҳоли сони динамикаси

Йиллар		Жами аҳоли сони, минг киши	Шаҳар аҳолиси сони		Қишлоқ аҳолиси сони	
			минг киши	жами аҳоли сонидаги улуши, %	минг киши	жами аҳоли сонидаги улуши, %
2005		2907,5	741,4	25,5	2166,1	74,5
2006		2955,5	750,7	25,4	2204,8	74,6
2007		3003,4	9584,6	25,2	17079,2	74,8
2008		3061,6	1148,1	37,5	1913,5	32,5
2009		3119,0	1163,4	37,3	1955,6	62,3
2010		3270,8	1213,5	37,1	2057,3	62,9
2011		3326,2	1217,4	36,6	2108,8	63,4
2012		3380,9	1237,4	36,6	2143,5	63,4
2013		3445,6	1264,5	36,7	2181,1	63,3
2013 йилда 2005 йилга нисбатан ўзгариши	+, -	538,1	523,1	11,2	15,0	-11,2
	%	118,5	170,5	-	100,7	-

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Демографик омиллар мамлакат ҳамда унинг ҳудудларида аҳоли сони, унинг табиий ўсиши, меҳнат ресурслари, иқтисодий жихатдан фаол аҳоли миқдориغا бевосита таъсир кўрсатувчи энг муҳим омиллардан биридир.

2-жадвал

Аҳоли ёш таркибининг турлари, %

Ёш гуруҳлари	Ёш таркиби		
	Прогрессив	стационар	регрессив

				ўзга риш и (+,-)				ўзга риш и (+,-)				ўзга риш и (+,-)
Ўзбе кист он Респ убли каси	37,3	32,6	28,5	-8,8	52,0	55,7	57,1	5,1	9,0	11,7	14,4	5,4
Сам арқа нд вило яти	40,0	35,0	30,1	-9,9	50,2	54,4	56,2	6,0	7,9	10,6	13,7	5,7

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси
маълумотлари.

Жадвалдан кўринадики, 2002-2013 йилларда республика бўйича ҳар 1000 минг кишига ҳисоблаганда туғилишнинг умумий коэффиценти 21,3 дан 20,8 гача ёки 0,5 промиллега камайган. Туғилиш коэффицентидаги ўзгаришлар ҳудудлар бўйича турлича бўлган. Жумладан, туғилиш ва ўлимнинг умумий коэффиценти Самарқанд вилоятида нисбатан камайган.

Туғилиш ва ўлимнинг миқдорий кўрсаткичлари бўйича вилоятда 2009 йилда туғилиш кўрсаткичи 75123 тани ташкил этган бўлса, мазкур кўрсаткич 2013 йилда 9,7 %га ўсган. Шунингдек, ўлим кўрсаткичи бу йиллар давомида 10,6 %га ошган (3-жадвал).

4-жадвал

**Аҳолининг табиий ўсиш суръати коэффицентининг ўзгариши, %, 1
январ ҳолатига кўра**

	Туғилишнинг умумий коэффиценти		Ўлимнинг умумий коэффиценти		Табиий ўсиш суръати коэффиценти	
	2001 й	2013 й	2001 й	2013 й	2001 й	2013 й
Ўзбекистон Республикаси	21,3	20,8	5,5	4,9	15,8	15,9
Самарқанд вилояти	22,7	21,9	5,2	4,4	17,5	17,5

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси
маълумотлари.

Мустақиллик йилларида аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг яхшиланиши, соғлиқни сақлаш тизимида замонавий технологияларнинг жорий қилиниши, даволаш масканларининг замонавий ускуналар билан жиҳозланиши, бу соҳада юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда соҳани юқори малакали кадрлар билан таъминлашга эътиборнинг катталиги туфайли аҳоли ўртасида ўлим ҳолатларининг нисбатан пасайиб бораётганлиги кузатилмоқда. Жадвал маълумотларининг таҳлили ҳам Самарқанд вилоятида 2013 йилда 2001 йилга нисбатан ўлимнинг умумий коэффициенти 0,8 промиллега камайганлигини кўрсатади. Айтиш жоизки, **Ўзбекистон дунёда ўлим кўрсаткичи энг паст бўлган мамлакатлар қаторига киради.**

Ўз навбатида, туғилганлар сонининг нисбатан ортиш ва ўлганлар сонининг камайиб бориш тенденцияси табиий ўсиш даражасида бевосита таъсир қилади. Статистик маълумотларга қараганда, таҳлил қилинаётган даврда (2001-2013 йиллар) аҳолининг табиий ўсиш суръати коэффициенти 0,1 промиллега кўпайган. Шу билан бирга, бугунги кунда (2013 й.) республика ҳудудларида табиий ўсиш суръати коэффициенти 14,0-19,0 промилле атрофида.

Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш борасида амалга ошириб келаётган ислохотларнинг олдида турган долзарб муаммолардан бири – бу такомиллашган меҳнат бозорини шакллантириш ва унинг самарали амал қилишини таъминлаш ҳисобланади. Республикамизда ижтимоий жиҳатдан етарли даражада ҳимоя қилинмаган ёшлар орасида ишсизлар сони салмоқли миқдорга эга бўлмоқда. Бундай ҳолат меҳнат бозорида ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, уларнинг ишсизлигини камайтиришнинг самарали усуллари ва механизмларини тадқиқ этишни талаб қилмоқда.

Мамлакатимиз аҳолиси ёш жиҳатидан анча ёш ҳисобланади, меҳнат ресурслари таркибига кириб келувчилар, яъни меҳнат қобилияти ёшига келиб қўшилувчиларнинг аксариятини ёшлар ташкил қилади. Бунинг асосий сабаби собиқ Иттифок даврида ва мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида республикамизда аҳолини тез суръатлар билан кўпайиши натижасида ҳозирги кунга келиб, демографик босимнинг ортишига олиб келди. Оқибатда ёшларни, айниқса, қишлоқ ёшларининг ишсизлигини камайтириш ва уларнинг иш билан бандлигини таъминлашда жиддий муаммоларни вужудга келтирмоқда. Ёшлар ўртасида ишсизликни камайтириш, уларнинг меҳнат бозоридаги ҳатти-ҳаракати қатор жиддий ижтимоий-иқтисодий ечимини кутаётган масалалардан бири ҳисобланади.

Меҳнат бозорида ёшлар ишсизлигини камайтиришни таъминловчи омиллардан бири, уларнинг билим даражаси ва касбий-малакасини ошириш ҳамда меҳнатни диверсификациялаш билан боғлиқ иш ўринларини яратиш, хизмат кўрсатиш соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришнинг алоҳида аҳамиятга эга эканлиги ҳисобланади. Ёшларнинг иш билан бандлигига кўмаклашиш соҳасида давлат сиёсатининг асосий тамойилларини амалга ошириш, уларнинг ишсизлигини камайтиришнинг ижтимоий ва иқтисодий механизмларини

такомиллаштириш меҳнат бозорида ёшларга меҳнатни диверсификациялаш асосида талабни рағбатлантириш ҳамда чуқур таҳлил ва тадқиқ этиш натижасида уларнинг иш билан бандлиги даражасини ошириш бўйича тегишли илмий хулоса ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эгадир.

5-жадвал

Самарқанд вилоятининг меҳнат ресурслари ва аҳолининг иш билан бандлиги (минг киши)

Кўрсаткичлар	2006 й.	2009 й.	2013 й.	2006-2013 й.й.да ўсиш (%)
Аҳоли умумий сони	2 912,3	3102,5	3444,8	118,3
Шу жумладан: Ёшлар	791,2	930,7	1032,4	130,5
Меҳнат ресурслари сони	1 668,0	1720,1	1988,0	119,2
Шу жумладан: Ёшлар	450,4	516,7	596,4	132,4
Иш билан бандлар сони	1 080,7	1160,8	1357,3	125,6
Шу жумладан: Ёшлар	321,8	348,4	407,3	126,6
Ишга муҳтож аҳоли сони	53,8	59,0	69,1	128,4
Шу жумладан: Ёшлар	13,1	14,1	16,6	126,7

Манба: Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Самарқанд вилоятида аҳоли сони 2006-2013 йиллар мобайнида 9,7% га кўпайган. Шундан ёшлар 2013 йилда 828,2 минг кишини ташкил этиб, бу кўрсаткич 2006 йилга нисбатан 5,3%га ўсган. Шунингдек, вилоятда бу даврлар мобайнида меҳнат ресурслари сони 20,7% га ўсган. 2006 йилда меҳнат ресурслари тартибида ёшларнинг ҳиссаси 31,1% ни ташкил этган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич 27,4% дан иборат бўлган.

2006-2013 йиллар ичида вилоятда жами иш билан бандлари сони 6,3% га, шундан Ёшларнинг ўсиш суръати 17,3% га ошган (1-жадвал).

Бизнингча, ҳозирги вақтда мамлакатимизнинг кўпгина минтақаларида ўсмирлар ва ёшларнинг иш билан бандлигини ошириш мақсадаларида ижтимоий-ишбилармонлик марказлари (ИИМ) ташкил қилиш керак. ИИМнинг иш берувчилар, тадбиркорлар уюшмалари, ўқув юртлари билан яқин алоқалари ёшларнинг ишга доир ва касбий фаоллигини ошишига кўмаклашади. Марказлар бозор иқтисодиёти, маркетинг ва менежмент асосларини ўқитишни олиб боришлари, ёшлар тадбиркорлиги, кичик бизнес ва ўзини ўзи иш билан банд қилиш соҳасида маслаҳатли технологик ва

услугий ёрдам кўрсатишга тайёр турган хорижий шериклар билан фаол ўзаро ҳамкорлик қилишлари мумкин.

Бунда ижтимоий бандликнинг вилоят (туман) хизматлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга ошириладиган фаолияти асосий йўналишлар қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

- ёшларни танлаган мутахассисликлари бўйича (кичик бизнес ва ўзини ўзи банд қилиш соҳасида) ўқитиш ва қайта тайёрлаш, ҳамда юридик ёрдам кўрсатиш ва иқтисодий муаммоларнинг турли туманлиги бўйича ахборот хизматларини тақдим этиш;

- бизнес режаларни ишлаб чиқиш ва экспертиза қилишда ёрдам кўрсатиш, амалдаги корхоналарни реклама қилиш ва тадбиркорлик тизимларини ташкил қилишда рўйхатга олишга кўмаклашиш;

- ёшлар учун иш ўринларини ташкил қилишга лойиҳалар танловларини ўтказиш ва ёш шахслар учун иш билан бандликнинг эгилувчан шакллари ривожлантиришга кўмаклашиш, шу жумладан уйда ишлашни ташкил қилиш.

Юқоридаги ижобий тенденциялар билан бирга мамлакатда демографик ривожланишни янада юқори сифатли аҳолини такрор барпо қилиш шароитларини таъминлаш мақсадида демографик ривожланишнинг биринчи галдаги вазифалари қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

- туғилишни узоқ муддатли истиқболда ҳам демографик такрор барпо қилишнинг оддий режимини таъминлаш даражасида сақлаш;

- аҳоли соғлиғини сақлаш тизимини ислоҳ этишни янада чуқурлаштириш, даволаш-профилактика муассасаларининг моддий-техника базасини яхшилаш, аҳолига юқори сифатли, замонавий талаб ва стандартларга мувофиқ тиббий хизмат кўрсатишни таъминлаш;

- узоқ ва бориш қийин бўлган жойларда яшовчи аҳолини чуқур тиббий кўрикдан ўтказишда тиббиёт олий ўқув юртларининг, республика ихтисослаштирилган марказларининг ва илмий-тадқиқот институтларининг етакчи олимлари ва мутахассислари иштирокини таъминлаш;

- тўғри овқатланиш ва гигиена, соғлом ҳомиладорлик ва бола парвариши, репродуктив саломатлик, соғлом турмуш тарзи масалаларида аҳолининг тиббий саводхонлигини ошириш;

- ишлаб чиқаришда меҳнат қилишнинг хавфсиз шарт-шароитларини таъминлаш, бахтсиз ҳодисалар, заҳарланишлар ва жароҳатларнинг олдини олиш.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида келтирилган демографик сиёсатнинг стратегик мақсадига эришиш йўналишларини мунтазам амалга ошириш республикада аҳолини такрор барпо қилувчи юксак демографик салоҳиятни шакллантиришга ва ундан самарали фойдаланишга замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир. Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги маърузаси. // Халқ сўзи. 2013 йил 7 декабрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-ҳудудий тузилишини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлари тўғрисида”ги 68-сонли қарори // www.lex.uz.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 14 мартдаги “Аҳоли сонининг танлама статистик кузатувини тайёрлаш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 71-сонли қарори // www.lex.uz.
4. Абдурахмонов Қ.Х., Абдураманов Х.Х. Демография. Ўқув қўлланма. – Т.: Ношир, 2011. – 198-бет
5. Демография: Учебное пособие. / Коллектив авторов; под ред. В.Г. Глушковой, Ю.А. Симагина. – 7-е изд., перераб. и доп. М.: КНОРУС, 2013. – С. 105.
6. Доброхлеб В.Г., Джавадова С.А. Демография: Курс лекций. – М.: РГГУ, 2012. – 247 с.
7. Абдурахманов А. Ўзбекистон Республикаси аҳолисини такрорий кўпайишини иқтисодий-статистик таҳлили. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. – Т., 2011, - 129-130 б.